



Чолғу ижрочилиги: халқ чолғулари  
2-курс магистри Кубаев Дилшод Илёс ўғли

## МАҚОМЛАР ВОСИТАСИДА ТАЛАБА-ЁШЛАРНИНГ МУСИҚИЙ ТАФАККУРИ ВА ИДРОКИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

**Annotation:** Ушбу мақола ўзбек мумтоз мусиқа-мақомларини ўрганиш орқали ўқувчиларни мусиқий тафаккур ва идрок етишни тарбиялаш муаммосига багишланган.

**Annotation:** This article is devoted to the problem of educating students in musical thinking and perception through the study of Uzbek classical music-makoms.

**Аннотация:** Данная статья посвящена проблеме воспитания у студентов музыкального мышления и восприятия путём изучения узбекской классической музыки-макомов.

Бугунги кунда ёшларга насофат тарбияси бериш орқали уларни баркамол авлод этиб тарбиялаш вазифаси муҳим аҳамият касб этаётир. Бу борада миллий қадриятларимизга кенг мурожаат этиш, аждодларимиздан этиб келган бебаҳо маданий мерос, мақомлар асосида тарбиявий жараённи такомиллаштириш устувор хусусиятга эга.

Мақомлар миллий мерос намунаси сифатида узоқ асрлардан бери халқимиз қалби ва онгига ижобий таъсир этиб, ёшларни юксак маънавиятли этиб тарбиялашда алоҳида ўринга эга. Ҳозирги шароитда ёшларнинг тезкор замон талабларига адаптациялашуви, жамиятда муносиб ўрин эгаллаши учун уларда интеллектуал ҳамда коммуникатив тафаккурни тарбиялаш зарурдир. Бунинг учун мақомларга мурожаат этиш орқали ёшларда юксак инсоний сифат ва фазилатларни шакллантириш маънавий тарбиянинг истиқболли йўналишлардан бири ҳисобланади.

Тинглаб идрок этиш, мағзини чақиши учун фалсафий тафаккур ва мушоҳадани, маълум даражада ҳаётий тажрибани талаб этадиган мақомлар мусиқаси ўзининг мафтункорлиги, чукур мантиқий мазмуни орқали бу борадаги ишларни янада чукур ва теранроқ ташкил этишни талаб қиласиди.

Мақомлар мусиқасини тўлақонли англаб этиш чуқур интеллектуал ва эмоционал идрок ҳамда тафаккур жараёнлари орқали амалга оширилади. Сезги органлари орқали қабул қилинган ва қайта ишланган ахборот (мусиқий материал) натижасида онгда бадиий образлар шаклланади. Бу образларнинг шаклланиши жараёни мусиқий идрок ёки мусиқий перцепция деб айтилади.

Мусиқий идрок - сезги органларига таъсир этувчи бадиий ҳодиса, мусиқий оҳангларнинг олий асаб фаолиятида бевосита акс этиши жараёнидир. Ташки оламни онгда акс эттириш нафақат идрок этилаётган воқеа ёки ҳодисага, балки кишининг психологик хусусиятларига, унинг ҳаётий тажрибасига, темпераментига, ушбу сониядаги ҳолатига боғлиқдир.

Мақомлар мусиқасини тинглаб идрок этишда эмоционаллик билан мусиқий тафаккур синтези, яъни, абстрактлик ва конкретлик, мантиқийлик ва интуиция, ижодий тасаввур ва фаоллик талаб этилади.



Ёшларнинг мақом мусиқасини тинглаши уларнинг ўзига таниш бўлган мусиқий – эшлиши тасаввурлари билан, билим, кўнишка ва малакаларни янги шароитларда, мусиқий фаолиятнинг турли қўринишларида қўллай олиши билан боғлиқдир. Талабаларнинг мақом мусиқаси билан кенг танишуви шу билан қадрлики, улар ўзлари учун мусиқа оламида янги бўлган бадиий мантиқий маълумотларга эга бўлишади.

Мақомларни ижро этиш малакаларининг шаклланиши ундаги бадиий мусиқий образ мазмунини очишга йўналтирилган вазифаларга қаратилиши мақсадга мувофиқ. Бунда тинглаш ва ижро малакаларини эгаллаш – мақомларни бадиий ижро этишга эришиш воситаси бўлиб қолади.

Мусиқа амалиёти кўрсатишича, мумтоз мусиқа асарларининг бадиий ғоявий мазмунни ичига кириб бориш тингловчи (талаба)нинг ушбу асарда ниманидир кашф этиши ва бу унинг ички оламида, кечинмаларида акс этиши орқали намоён бўлади. Бу борада мақомлар кенг имкониятларга эгадир.

Хозирги кунда бўлажак мусиқа ўқитувчилари ўқув машғулотларида турли жанрлардаги мусиқаларни тинглаб, таҳлил қилишади. Уларнинг айрим ҳолларда мумтоз мусиқа намуналарини талаб даражасида билмаслиги, уни тинглашга эҳтиёжи талаб даражасида намоён бўлмаслиги соҳа мутахассисларини хавотирга солади. Зеро, мумтоз мусиқа, мақомлар халқимизнинг, қолаверса инсониятнинг даврлар чиғириғидан ўтган маънавий меросидир. Уни ўрганиш, тушунган ҳолда идрок этиш тафаккурни, хотирани, диққатни фаоллаштиради, ҳиссий билиш – сезги ва идрок эса ёшларнинг руҳий саломатлигини мустаҳкамлайди.

Таъкидлаш зарурки, мумтоз мусиқа, мақомлар нафақат ёшларнинг ақлий қобилиятларига, балки яхлит равишда олий асаб фаолияти, бош миянинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади. Профессионал мусиқачилар ва болалигидан мумтоз мусиқани севиб тингловчи шинавандалар тадқиқ этилганда, уларда хотира ва тилларни ўрганишга кучли қобилият ривожланиши аниқланган.

Мусиқа компенсаторлик хусусиятига эга. Айниқса, мумтоз мусиқада бу хусусиятлар кучли намоён бўлади. Психологлар фикрига кўра, инсон уни ўраб турган мухитда ўз эҳтиёжларини қондира олмаса, бунга фантазия орқали эришишга ҳаракат қиласи. “Фрейд таъбирича, ижодкорнинг асари томошабин ва тингловчиларни енгил наркоз ҳолатига туширади, натижада кундалик ҳаётий муаммоларни маълум вақт орқага суради ҳамда орзу-умид учун куч пайдо қиласи. Бадиий асардан маънавий озиқ олган, руҳланган томошабинлар эса ижодкорни ўз меҳри, хурмати билан тақдирлайдилар” [1, 83-84].

Ўзининг компенсаторлик хусусиятлари натижасида *Hollywood* (Голливуд, АҚШ) ва *Bollywood* (Болливуд, Хиндистон) фильмлари шон-шуҳратга сазовор бўлди. Санъатнинг компенсаторлик хусусияти натижасида уни нозик идрок этувчи инсон ўтган замонлардаги буюк тарихий воқеалар иштирокчисига айланиши, композиторлар мусиқий оҳангларда, рассомлар ўз асарларида, буюк ёзувчилар ўз романларида акс эттирган воқеа - ҳодисалар билан боғлиқ кечинмаларни ўзида акс эттириши, мазкур воқеликлар иштирокчисига айланиши мумкин. Шунга биноан, мақомлар мусиқасини тинглаш жараёнида шахсдаги ортиқча руҳий таранглик (стресс ҳолати), салбий энергия тарқалиши ва киши руҳан енгил тортиши ҳамда кўтаринки кайфиятга эга бўлиши мумкин.



Мақомларни тинглаб, биз уларнинг куйини, ритмини, тембрини, оҳанг йўналишини алоҳида тарзда идрок этмаймиз, балки, мусиқий образда мусиқий ифоданинг алоҳида воситаларини умумлаштирамиз. Мақомлар мусиқасини тинглаб, уларни маълум категорияларга ажратамиз ва агар маълум тингловчилик таржибасига эга бўлсак, дастлабки тактларидан (бўғинларидан) бошлаб унинг Хоразм мақомларига, Шашмақомга ёки Тошкент-Фарғона мақомларига тегишли оҳанглар эканлигини дарҳол айта оламиз.

Жиддий мумтоз мусиқа саналмиш мақомларни тинглаб идрок этиш учун ривожланган мусиқий қобилиятлар-мусиқий эшитиш, хотира, тафаккур ва тасаввур бўлиши зарур. Уларнинг барчаси ягона таълимий мақсадга йўналтирилган мусиқа машғулотларида, хорда куйлаш, ритмика, мусиқа асарларини тинглаш, тингланган асарлардаги айрим мавзуларни куйлаш, бастакорлар ҳаёти ва ижодий мероси ҳамда ижодидаги асосий йўналишларни ўрганиш орқали амалга оширилади.

Мусиқий идрокни ривожлантириш учун яхлит мусиқа асаридан унинг алоҳида элементларини-куйни, оҳанг йўналишини, ижро суръатини, ритмни ва бошқаларни ажратиб ўрганиш, шунингдек, мусиқий оҳанглар орқали борлиқни акс эттиришнинг асосий ижодий тамойилларини, у ёки бу воситалар орқали намоён бўлган ассоциацияларни кўра олиш талаб этилади.

Мақом мусиқасини англаш унинг эмоционал кучини янада теранроқ ҳис этишга, тингловчи (талаба) маънавий дунёсининг янада кенгайишига, ҳиссиётларининг, фикрлаши ва кечинмаларининг янада бойишига олиб келади.

Мумтоз мусиқани тинглашда эмоционаллик ва онглилик тамойилининг қўлланиши натижасида талаба-ёшларда идрок этилганларни баҳолаш қобилияти, қизиқиш ва мусиқий дид шаклланади. Мусиқа машғулотлари жараёнида улар мақом асарлари билан танишадилар, асарнинг умумий ижро характеристини, кайфиятини ҳис қиласидилар, мусиқа нутқини унинг турли элементлари орқали яхлитликда таҳлил этадилар.

Мусиқани идрок этиш мусиқий таълим ҳамда тарбиянинг муҳим вазифаси бўлиб барча мусиқий фаолиятлар жараёнида давом этади. Дарсда мусиқани идрок этиш дарсдаги алоҳида фаолият эмас, у “tinglash” ва “tinglash-idrok etish” тарзида намоён бўлади.

Талабалар ўқув машғулотларида ўзлари ижро этганларидан анча мураккаб мақом шўъбалари билан танишадилар. Бироқ, бундай асарларни тинглаш жараёни фақатгина асар билан танишиш даражасида қолиб кетмаслиги лозим, талабаларда мусиқа асарларини тўлақонли идрок этиш кўникма ва малакаларини шакллантириш, уларда қизиқиш ва мусиқий дидни мунтазам ривожлантириб бориш талаб этилади.

Юксак бадиий савиядаги асарлар билан ишлаш ва уларни ўзлаштиришга йўналтирилган фаол мусиқий фаолиятни амалга ошириш талабаларда мусиқий дидни шакллантиришнинг асоси бўлиб ҳисобланади. Мақом мусиқасини тинглашни тўғри ташкил этиш, мусиқий идрокни фаоллаштиришнинг турли усуслари (асарлардан парчаларни таҳлил қилиш, уларни турли чолғуларда ижро этиш, тингланадиган мақом асарлари мавзуларини вокаллаштириш)-талабаларнинг мақом мусиқасига бўлган қизиқишлирини оширади, уларнинг мусиқий эҳтиёжларини тўғри шакллантиришга хизмат қиласиди.

Мусиқий тафаккур яхлит тарзда шахс шаклланганлигининг муҳим кўрсаткичи саналади ва уни маълум мақсадга йўналтирган ҳолда такомиллаштирилса, маънавий



баркамолликка эришиш ҳамда ижодий қобилиятларни ривожлантириш учун кенг имкониятлар очилади. Ҳозирги кунда мусиқий тафаккурга инсоннинг бадиий фаолиятларини акс эттирувчи продуктив ижодий тафаккур сифатида баҳо берилади. Ўз таъсир имкониятлари жиҳатидан турлича бўлса-да, - “Санъат - китобхон, томошабин, тингловчида, ҳиссиёт ва фикрлар тартибини шакллантиради. Шу боис, уларнинг ҳар бири ўзига хос тарбиявий таъсирга эга бўлиб, ижтимоий онгнинг бошқа шакллари уларнинг ўрнини боса олмайди. Бироқ, уларнинг тарбиявий таъсири хусусий характерга эга: ахлоқ - хулқ-автор меъёрларини шакллантиради, сиёсатсиёсий қарашларни, фалсафа-дунёқарашни, фан инсондан мутахассис тайёрлайди; санъат эса инсоннинг ақли ва қалбига яхлит таъсир этади. Санъат яхлит шахсни шакллантиради” [2, 456].

Мусиқий тафаккур тушунчаси дастлаб мусиқашунос Б.В.Асафьевнинг “интонацион назария”сида қўлланилганлигини кўриш мумкин. Шундан сўнг мусиқий тафаккурнинг ижтимоий феномен сифатидаги қонуниятлари ҳақида мусиқа социологи А.Н.Соҳор фикр билдириб, мусиқий тафаккур мусиқий фаолият жараёнида ривожланишини таъкидлади. Тадқиқотчи М.Г.Арановский эса мусиқий тафаккурни коммуникатив фаолиятнинг кўриниши сифатида баҳолади [3, 103]. Бунда у мусиқа асарини тингловчига йўналтирилган коммуникант, яъни товуш сифатидаги ахборот (маълумот) сифатида таъкидлайди. Мусиқашунос В.В.Медушевскийнинг холосаларига кўра, мусиқий тафаккур – бу инсоннинг маънавий дунёси шаклланиши, унинг ҳиссиётлари тарбияланишидир.

Таъкидлаш зарурки, “...мусиқий тафаккур кўламини мусиқа асарини идрок этиш шароитлари: унинг жойи (ўқув машғулотида, уйда, ишда, истироҳат боғида, ошхона-кафеда, концерт залида), вақти (иш жараёнида, дам олишда, маданий-ижтимоий тадбирлар ёки бу учун ажратилган алоҳида вақтда), мулоқот мухити (ёлғиз, дўстлар даврасида, таниш ва нотанишлар даврасида) ҳамда мулоқот шакли (бевосита ёки билвосита) ҳам белгилаши мумкин” [4, 162]. Тингловчи онгидаги пайдо бўладиган бадиий образлар адекватлик (ўхшашлик, айнанлик) тамойили асосида бирлашиб, ассоциатив боғланишларни ҳосил қиласи. Ушбу ассоциатив боғланишларда мумтоз санъат асарининг яхлит мазмуни акс этади.

Мухтасар қилиб айтганда, мусиқий тафаккур – борлиқни бадиий акс эттиришнинг ўзига хос кўриниши, яъни борлиқни ягона мақсадга йўналтирилган, билвосита ва умумлаштирилган ҳолда билиш, ижодий яратувчанлик, маҳсус ўзига хос мусиқий товуш образлари (оҳанглар)ни чуқур англаш, идрок этиш ва узатиш фаолиятидир.

Мусиқий тафаккур ижодий фаолиятда намоён бўлади. Олий мусиқа таълими йўналишида таҳсил олаётган талабаларнинг мақомлар мусиқасини ўрганиш ва тўлақонли идрок этишга эришиши натижасида уларда мусиқий тафаккур ҳамда идрок хусусиятлари тўлақонли шаклланиб, пировард натижада у орқали баркамол шахсни тарбиялаш имкониятлари янада кенгаяди.

## АДАБИЁТЛАР

- Петрушин В.И. Музыкальная психология. - М: Гуманит. изд. центр ВЛАДОС, 1997. -384 с.



2. Иванов С.П. Психология художественного действия субъекта. – М.: Издательство Московского психолого-социального института; Воронеж: Издательство НПО «МОДЭК», 2003. – 640 с.

3. Тарасова К.В. Онтогенез музыкальных способностей / НИИ дошк. воспитания. - М.: Педагогика, 1988. - 176 с.

4. Кадцын Л.М. Музыкальное искусство и творчество слушателя. - М.: Высш. шк., 1990. - 303 с.